

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 809.4375—31

Хоаманова Зулхумор Турдиевна

**"ШАЙБОНИЙХОН" ДОСТОНИ ЛЕКСИКАСИ**  
(Пулкан шоир варианты асосда)

10.02.02. Миллий тиллар (Ўзбек тили)

Филология фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент — 1998

Тадқиқот Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети ўзбек филологияси факультети умумий тилшунослик кафедрасида бажарилган.

**Илмий раҳбар:** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор

**А.Ю.АЛИЕВ**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими, филология фанлари доктори, профессор  
**Ш.У.РАҲМАТУЛЛАЕВ**

**Расмий оппонентлар:** филология фанлари доктори, ЎзФА академиги

**Ш.ШОАБДУРАҲМОНОВ;**

филология фанлари номзоми, доцент  
**А.МАМАТОВ**

**Етакти илмий муассаса:** Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси 1999 йил " 5 " май куни соат 14.00 да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги докторлик илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертациялар ҳимояси бўйича бирлашган ихтисослаштирилган ДК 015.31.01 рақамли кенгаш йиғилишида ўтказилди.

(700170. Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9 – уй.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

(700170. Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13 – уй.)

Авторреферат 1999 йил " 5 " феврал да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослаштирилган кенгаш илмий котиби филология фанлари номзоми

**Н.МАҲКАМОВ**

## ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ.** Миллий қадриятлар, маданият даражаси, дунёқараш ҳамда ғоялар силсиласи ёзма адабиёт ва оғзаки ижода ўз ифодасини топади. Хусусан, халқ оғзаки ижоди энг қадимги аврлардан анъана сифатида келаётган қадриятлар, урф – одатлар ва халқ руҳиятига хос туйғуларни ўзида мужассамлангиралади. Фольклор халқ тарихи қадар қадимийдир. Тадқиқотларда фольклорнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг халқ ҳаётидаги аҳамияти таъкидлаб ўтилган.<sup>1</sup>

Достон ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳамда ёзма адабиётда кенг ўрин эгаллаган жанрdir. Достонларнинг тил хусусиятларини ўрга – ниш мазкур манбаларнинг илмий ва бадиий қийматини белгилаш билан бирга, адабий тил ва шеваларнинг ўзаро муносабатини таҳлил қилиш имконини яратади; халқ тарихи, этнографиясига оид муҳим маълумотлар беради.

Халқ оғзаки ижоди намоёндаларидан, бахшилардан достонлар ёзиб олиш ва нашр эттириш, уларнинг тил хусусиятларини ёритиш, бадиий жиҳатларини тасвирлаш ўзбек лингвофольклористикасининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада фольклоршунос Ҳодӣ Зарифнинг, шунингдек, О. Юнусов, В. А. Успенский, Н. Н. Миронов, Б. Каримов, М. Афзалов, Т. Мирзаев, З. Хусайнова, Элбек, О. Собиров, Ю. Султонов, Ш. Ражабов, Х. Раззоқов, Ж. Қобулнӯёзов, М. Муродов каби тадқиқотчиларнинг хизматларини таъкидлаш жоиз. Фольклоршунос олимлар халқ оғзаки ижоди асарларини ёзиб олишда уларнинг тил хусусиятини имкон қадар акс эттиришга интилишган.

Достонларни бадиий – услубий жиҳатдан таҳлил қилиш, достон тилининг ўзига хос томонларини ёритиш, фольклор лексикаси кў – ламини аниқлаш, асосан, 50 – йиллардан бошланди<sup>2</sup>. Бу таҳлит тадқиқот даставвал Ш.Шоабдураҳмоновнинг "Равшан" достонининг бадиий тили" мавзусидаги номзолик ишида акс этди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Zarif N. Ozbek folklori. ч. I. – Т., Оқрефнаст, 1941; Жирмунский В.М. Узбекский народный героический эпос. – М., Полиграфкниг. – 1947, 520 с.; Жир – мунский В.М. Тюрский героический эпос. Избранные труды. – Л., Наука. – 1974, 727 с.; Астахова А.М. Ёмлин. – М. – А., Наука. – 1966, 285 с.; Азбелев С.Н. Ис – торизм былин и специфика фольклора. – Л., Наука. – 1982, 325 с.; Саидов М.С. Халқ оғзаки бадиий ижоднинг ўзига хос белгилари// Филологик тадқиқотлар. – Т., 1970, 203–218 б. Sıktu Elçin. Halk edebiyatına giriş. – Ankara, 1993.

<sup>2</sup> Бу ўринда 1925 – 1945 йилларда нашр этилган халқ достонларини лин – гвистик таҳлил қилишга йўналтирилган хизматларни алоҳида таъкидлаймиз. Жумладан, Ҳ.Зариф ва бошқа фольклоршунослар магн билан бирга достон лексикасига лугат тартибда изоҳ беришган.

<sup>3</sup> Шоабдураҳмонов Ш. "Равшан" достонининг бадиий тили. Филол. фан. канд. илм. даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 1949, 110 б.

Ш.Шоабдурахмонов мазкур тадқиқоти билан ўзбек тилшунослигида "Гўрғани" туркуми достонлари тилига оид тадқиқот йўналишини бошлаб берди.

70-йилларга келиб халқ достонлари тилининг лексик-семантик, грамматик жиҳатлари агрофлора талқин этилди. Ушбу йўналишдаги изланишлар Х.Абдурахмонов<sup>1</sup>, А.Ишанов<sup>2</sup>, Х.Дониёров<sup>3</sup> тадқиқот-ларида акс этди. С.Турсунов достон лексикаси борасида изланиш олиб борди<sup>4</sup>. Мазкур тадқиқот ишларида достон тилига хос муҳим масалалар ёритилди.

Фольклор асарлари тилини ўраниш асосида ўзбек тилшунос-лигида лингвофольклористика соҳаси шаклланди.

Халқ достонлари оғиздан оғизга, авлоддан авлодага ўтиб келади. Оғзаки ижоднинг бу хусусияти достонларда шевалар тилига хос фонетик, лексик, грамматик жиҳатларнинг акс этишига имкон беради. Аксарият достонлар куйланган "қипчоқ лаҳжаси билан халқ достонлари тилининг бирлиги"<sup>5</sup> илмий ишларда қайд этилган (А.Ишанов, 1967, 1970; Х.Дониёров, 1979).

Достон лексикасини ўраниш тилшунослик, хусусан унинг лексикология; лингвофольклоршунослик, шевашунослик соҳала-рида ҳамда тилнинг муайян тараққиёт босқичларини таҳлил этишда аҳамиятлидир. Шу боис тадқиқотимизда халқ оғзаки ижоди на-мунеси ҳисобланган "Шайбонийхон" достони лексикасини ўра-ниш мақсади қўйилди. Мазкур достон тили услубий ранг-баранг бўлиб, унда умумдабий<sup>6</sup> ҳамда шевата хос хусусиятлар ифодасини тошган. Тарихий достон лексикаси учун характерли жиҳатлар акс этган. Достон лексикаси тадқиқи оғзаки ижод асари тилининг адабий тилга, шеваларга муносабатини белгилаш имконини беради. Қайд этилганлар тадқиқотимиз мавзусининг долзарблигидан далолатдир.

**МАВЗУНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.** "Шайбонийхон" достонининг Пўлкан шоир куйлаган вариант мавжуд бўлиб, асарнинг бошқа матни йўқ (Достоннинг оғзаки ижод маҳсули эканлигини назарда тутиб, "вариант" терминини қўладик).

Адабиётшунослиқда ҳам "Шайбонийхон" достони ҳақида батафсил маълумот берилмаган. Айрим манбаларда достон ҳақида

<sup>1</sup> Абдурахмонов Х. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг синтактик хусу-сиятлари бўйича кузатишлар. - Т., Фан, 1971, 184 б.

<sup>2</sup> Ишанов А. Халқ достонлари лексикасидан /Ўзбек халқ ижоди. - Т., Фан, 1967, 167-177 б.; Ишанов А. Халқ достонлари лексикасига оид кузатишлар. // Ўзбек тили ва адабиёти", 1970, 5-сон, 56-63 б.

<sup>3</sup> Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. - Т., Фан, 1979.

<sup>4</sup> Турсунов С. Лексическая особенность дастана "Алпамыш". Кандидатская диссертация. - Т., 1990, 125 с.

<sup>5</sup> Бу фикр "аксарият халқ достонлари тилида қипчоқ лаҳжасига хос хусусиятлар акс этган" таразда ифодаланса, маъсадга мувофиқ эди.

<sup>6</sup> Адабий тил ва шевалар учун умумий бўлган сўзларга хос хусусиятлар назардан тутилди.

умумий фикр бидабирилган. Н.М.Маллаевнинг "Ўзбек адабиёти та-рихи" китобида Достоннинг биринчи қисми мазмуни қисқача баён этилган<sup>1</sup>. М.Саидов докторлик диссертациясида "Шайбонийхон" достонининг тарихийлиги масаласида тўхтаган<sup>2</sup>. Ўзбек энциклопедиясида Достон ҳақида қисқача маълумот берилган<sup>3</sup>. Достон наشري, унинг тил хусусиятлари, хусусан, достон лексикаси махсус тадқиқ этилмаган.

Достон араб ёзувидаги наشري (1928) ҳолича қолдирилган, жорий алафбода қайта нашр қилинмаган.

**ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ.** Тадқиқотдан кўз-ланган мақсад "Шайбонийхон" достони лексикасини луғавий қат-ламга, мавзуний гуруҳларга кўра ҳамда семантик жиҳатдан тадқиқ қилишдан иборат. Ушбу мақсадни амалга оширишда тадқиқот олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- "Шайбонийхон" достониде қўлланган сўзларни лексик-гене-тик жиҳатдан аниқлаш; ўз ва ўзлашган қатлам лексикасини таҳлил этиш;

- сўзларни мавзуний гуруҳлаш асосида тасниф этиш;

- сўзларни семантик жиҳатдан тасниф қилиш;

- Достон лексикасининг ҳозирги ўзбек адабий тили ва шевалар лексикасига муносабатини ёритиш;

- сўзларнинг қўлланш меъёрини аниқлаш;

- Достон лексикасининг айрим тарихий ёзма манбалар лекси-касига муносабатини белгилаш.

**ТАДҚИҚОТНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСИ.** Ўзбек ва рус тилшунослигидаги достон тилини ўранишга доир тадқиқотлар, оғзаки ижод асарларининг тил хусусиятлари ёритилган адабиётлар, бадиий асар тилига бағишланган ишлар, тил тараққиётининг муҳим қонуниятлари акс этган ёзма тарихий манбалар ишнинг назарий-услубий асосини ташкил этади.

**ТАДҚИҚОТНИНГ ТАҲЛИЛ УСУЛАРИ.** Диссертацияда тавси-фий, қиёсий, тарихий-қиёсий ва статистик усуллардан фойдала-нилади. Оғзаки ижод тилига хос хусусиятларни ёритиш мақсадида тадқиқ этилаётган достон ёзма тарихий манба - "Шайбонийнома" (Муҳаммад Солах) асарига қийслади. Достон лексикасини таҳлил ва тасниф қилишда қипчоқ шевалари лексикасига муқояса қилинди; Достон лексикасидеги сўзларнинг айрим ёзма манбалар тилидаги иштирокини аниқлашда сўз семантикасига ҳам эътибор қаратилди. Ишнинг таҳлил усулларини белгилашда тилшуносларнинг илмий ва илмий-методик асарларига таянилди.

<sup>1</sup> Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. - Т., Ўқитувчи, 1976, 631-633 б.

<sup>2</sup> Саидов М.С. Ўзбек халқ достонлари ва Достончилик маҳсули мавзу-лари. Докторлик диссертацияси. I том. - Т., 1971, 71-бет.

<sup>3</sup> Ўзбек энциклопедияси. 12-том. - Т., 1979, 610-бет.

**ТАДҚИҚОТ МАНБАИ.** Пўлкан шоир куйлаган "Шайбонийхон" Достони тадқиқот учун асос қилиб олинди. Мазкур достон Ҳодӣ Зариф томонидан 1926 йилда ёзиб олинди, 1928 йилда Ғозӣ Олим тахририда араб алифбосида нашр эттирилган. Тадқиқот манбаи си-фатида шу нашрдан фойдаланилди. Нашрдаги айрим жузъий нуқсонларни бартараф этиш мақсадида қўлёзмага мурожаат этилди. Достон қўлёмаси 5 инвентарь рақами билан ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор фондида сақланади. Тадқиқот нашр матни билан қўлёзмани қиёслаш асосида олиб бо-рилади.

"Шайбонийхон" нашри 159 саҳифадан иборат, 4259 мисра шеърӣй, 624 ҳаттор насрий қисми ўз ичига олган. Матн сўнида 450 сўзга лугат тартибиде изоҳ берилган (мазкур лугат қўлёзмада бе-рилмаган). Диссертацияда келтирилган мисомлардан кейин қавслар ичиде нашр саҳифаси кўрсатилди.

Тадқиқот жараёнида нашр ва қўлёзма ўртасидаги айрим тафо-вутлар кўрсатилди, нашрада тушириб қолдирилган мисралар берилди ҳамда нашрада ноаниқ берилган сўзлар қўлёзма асосида изоҳланди.

**ТАДҚИҚОТДАГИ ИЛМИЙ ЯНГИЛИКЛАР.** Ишда "Шайбо-нийхон" Достони лексикаси биринчи марта монографик планда тадқиқ этилди. Достоннинг араб алифбосидаги нашрига хос лисоний хусусиятлар ёритилди.

Тадқиқотларда қайда этилган "Қипчоқ лаҳжаси билан халқ дос-тонлари тилининг бирлиги" (А.Ишлеев, Х.Дониёров) фикрига ному-таносиб ўлароқ "аксарият достонлар тилида қипчоқ лаҳжасига хос хусусиятлар акс этган" тезиси илгари сурилди.

"Ўзбек шевалари лексикаси" (1966), "Ўзбек халқ шевалари лугати" (1971), "Қипчоқ диалектларининг лексикаси" (1979) ҳамда баъзи тадқиқотларда "шевага хос сўз" сифатида қаралган лексема-ларнинг фонетик диалектизм эканлиги таъкидланди ва уларга изоҳ берилди.

Сўзнинг семантик структурасидаги ўзгаришлар ифодаланган лексемалар таҳлил этилди.

**ТАДҚИҚОТНИНГ ИЛМИЙ ҚИЙМАТИ.** Халқ Достони тилига хос хусусиятлар "Шайбонийхон" Достонининг лисоний хусусиятла-рини таҳлил этиш асосида кўрсатилди. Лексемаларни лугавий қатлам таснифиде тадқиқ қилиш орқали ўз қатлам сўзларининг Достон лек-сикасидаги ўрни белгиланди. Сўзларнинг Достон тилидаги маъно қўламлари изоҳланди. Достон лексикасининг ҳозирги ўзбек адабий тили ва шевалар лексикасига муносабати ёритилди.

**ТАДҚИҚОТНИНГ АМАЛИЙ ҚИЙМАТИ.** Ивланиш натижалари халқ оғзаки достонларининг кўл жилалик мукамил изоҳдан лугатни яратишда, тарихий Достон лексикасига доир қўламчалар тузишда ёрдам беради. Тадқиқот олиш ўқув юртларининг филолог талабала-рига махсус курс сифатида ўқитилиши мумкин. Ивланишдан

"Шайбонийнома" (Муҳаммад Солиҳ) асари услубини ўзлаштиришда, оғзаки достон ва ёзма манба тилига хос жиҳатларни қиёсан: ўрга-нишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот "Шайбонийхон" Достонини оммалаштиришда ҳам аҳамиятлидир.

**ТАДҚИҚОТНИНГ ИЛМИЙ ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДАН ЎТИШИ.** Диссертация мавзуси ЎзФА Тилшунослик институти му-вофиқлаштирилган Илмий кенгашида тасдиқланган (1994 йил 16 декабрь). Иш Тошкент давлат университети ўзбек филологияси факультети умумий тилшунослик кафедрасида бажарилди. Тадқиқот юзасидан олтига мақола, бешта матбуза тезиси эълон қилинди. Тадқиқот натижалари ҳақида республика ёш тилшуносларининг илмий анжуманларида (Тошкент 1995, 1996, 1997); илмий - услубий анжуманда (Самарқанд - 1997), Тошкент давлат университети профессор - ўқитувчилари ва ёш олимлар анжуманида (1998); ТошДУ ўзбек филологияси факультети илмий семинарида (1998), шунинг -дек Самарқанд давлат университети тилшуносликка оид илмий се-минарида (1998 йил 29 октябрь), Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий семинар кенгашида (1998 йил 9 де-кабрь) ахборот берилди. Диссертация ТошДУ ўзбек филологияси факультети умумий тилшунослик кафедрасининг кенгайтирилган мажлисида (1998 йил 19 май), ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ўзбек тили тарихи ва тилларни қиёсий ўрга-ниш, ҳозирги ўзбек тили, лексикология ва лексикография, термино-логия, диалектология бўлимларининг қўшма мажлисида (1998 йил 14 октябрь) муҳокама қилиниб, ҳамюнга тавсия этилган.

**ИШНИНГ ТУЗИЛИШИ.** Иш кириш, уч боб, умумий хулосалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг умумий ҳажми 170 саҳифани ташкил этади.

### Ишнинг асосий мазмуни

Тадқиқотнинг муқаддима қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг манбаи, мақсад ҳамда вазифалари, ишнинг таҳлил ме-зонлари, илмий - амалий қиймати ва диссертациянинг шаклланиш жараёнига оид қайدلлар берилди.

Диссертациянинг кириш қисмида Достонларнинг бадиий жи-ҳатлари ҳамда тил хусусиятлари ёритилган тадқиқот ишларига тўхтаб ўтилади. "Шайбонийхон" Достони ҳақида маълумот берилди. Мавзу-нинг ўрганилиш тарихи ёритилди. Достоннинг 1928 йилда араб ёзу-вига асосланган эски ўзбек алифбосидаги нашрига хос имловий хусусиятлар кўрсатилди. Достон нашрининг қўлёзма матнига му-носабати қиёсий изоҳланди. Нашрада қолдириб кетилган ўринлар, нотўғри берилган сўзлар кўрсатилди.

Халқ оғзаки достонлари тилининг ўзига хос хусусиятларини батафсил ёритиш мақсадида "Шайбонийхон" достони Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома" асари билан қиёсланди. Ишнинг кириш қисмида ана шу муҳояса натижалари қисқа хулоса тарзида қайта қилинди. Кириш қисми сўнгида достон лексикасининг умумий тавсифи баён этилди.

Диссертациянинг биринчи боби "Достон лексикасида ўз ва ўзлашган қатлам" деб номланди. Бу бобда достон лексикасида қўлланган ўз ва ўзлашган қатламга оид сўзлар гуруҳлаш асосида изоҳланди. Ўз қатлам лексикаси турли терминлар билан юритилиб келмоқда.<sup>2</sup> Ишда туркий лексемалар ва ўзбек тилининг ички таъраққиёти асосида шаклланган сўзлар ўз қатлам атамаси билан юритилди.

"Шайбонийхон" достони лексикасидаги ўз қатлам 1751 сўздан иборат. Уларни ажратишда қуйидагиларга асосланилди:

— ҳозирги ўзбек тилининг асосий луғат бойлигини акс эттирган "Ўзбек тилининг изоҳли луғати";<sup>3</sup>

— қадимги туркий тил ёзув ёдгорликлари ҳақидаги манбалар;

— XI—XIV аср ёзув ёдгорликлари<sup>4</sup> ва уларга оид манбалар ҳамда луғатлар (С.Е.Малов, Э.Севортян, Э.Фозилов луғатлари; Э.Умаров изоҳи билан берилган тарихий луғатлар);

— Навоий асарлари луғати;<sup>5</sup>

— "Бобурнома", "Шажараи турк" асарлари;<sup>6</sup>

— луғавий қатлам, бадий асар тили лексикасига оид таъқиқотлар;

— лексемаларнинг мазмун плани;

— лексемаларнинг фонетик тузилиши.

Достонда ўз қатлам лексикаси ўзлашган қатлам лексикасига нисбатан кўп миқдорни ташкил этади. Бу ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Достон халқ оғзаки ижоди тилининг бадий намунаси. Унда достон куйловчи мансуб бўлган шева сўзлари, халқ ҳикматлари ва ибораларининг қўлланиш имконияти кенг. Достон лексикасида сўзлашув тилига хос хусусиятлар акс этган. Сўзлашув тили лексикасининг асосий қисмини туркий сўзлар ташкил этади.

2. "Шайбонийхон" достонининг шаклланиш даври XVI асрдан бошланган. Бу аср ва ундан кейинги давларлар (XIX асрнинг иккинчи

<sup>1</sup> Муҳаммад Солиҳ, Шайбонийнома. — Тошкент, 1989.

<sup>2</sup> Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. — Т., 1985, 49 — бет.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — М., 1981.

<sup>4</sup> Юсуф Хос Ҳожиб, Кутадгу билиг. — Т., 1971; Кошгарий Махмула, Девону луготит турк. I том — Т.: 1960; II том — Т.: 1961; III том — Т., 1963.

<sup>5</sup> Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I том — Т., 1983; II том — 1983; III том — 1984; IV том — 1985.

<sup>6</sup> Бобур, "Бобурнома". — Т.: 1989; Абулғозий, "Шажараи турк" Т.: 1992.

примечая) эски ўзбек адабий тили даври ҳисобланиб, туркий тилнинг бадий тил сифатида қўлланиш имконияти кенгайганлиги билан характерланган.

Муҳаммад Солиҳнинг XVI асрда яратилган "Шайбонийнома" асари тилининг таъқиқи ҳам туркий лексиканинг бадий асар тилидаги ўрнини кўрсатади. Н.Ахматовнинг таъкидлашича, "Шайбонийнома" тилининг 32,3%и туркий сўزلардан иборат.<sup>1</sup> "Шайбонийхон"да туркий сўзлар достон лексикасининг 38%ини ташкил этади.

"Шайбонийхон" достони лексикасидаги ўз қатлам сўзларининг 85%и ҳозирги ўзбек адабий тили ва шеваларда қўлланади. Қолган 15%и ҳарбий соҳага оид сўзлар, айрим этноним ва топонимлар бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилмайди.

Достондаги ўз қатлам лексикаси қўлланиш доирасига кўра қуйидагича гуруҳланди:

1. Ўзбек адабий тили ва шевалари учун умумий лексемалар.

Фонетик диалектизмлар.

Семантик диалектизмлар.

2. Шеваларга хос сўзлар.

3. Ҳозирда қўлланмайдиган сўзлар.

1. Ўзбек адабий тили ва шевалари учун умумий лексемалар қўлланиш даражасига кўра: а) қўлланиш миқдори юқори лексемалар;

б) қўлланиш миқдори ўртача лексемалар; в) қўлланиш миқдори кам лексемаларга ажратилади.

25 мартадан юқори миқдорда қўлланган сўзлар қўлланиш миқдори юқори лексемалар деб олинди. Бундай сўзлар достон услубининг бойлигига хизмат қилган. Жумладан, бир сўзи 148 ўринда 8 маънода келган; сўз 146 ўринда 4 хил маънода; айт лексемаси 139 ўринда "нутқ жараёни" маъносини ифодалаб келган. Эд сўзи 73 ўринда қўлланиб 4 хил маънони ифодалаган. Ота сўзи 30 марта, ҳўд 38 марта, ўз сўзи 35 марта қўлланиб, ўз луғавий маъноларида келган. Тил 25 ўринда 4 хил маънода қўлланган.

15—25 марта қўлланган сўзлар қўлланиш миқдори ўртача лексемалар деб олинди. Бу сўзларнинг аксарияти бир маънода қўлланган; кел —, сол —, қол — каби.

Қўлланиш миқдори кам лексемалар дейилганда 5 мартадан кам қўлланган сўзлар назарда тутилди. Бундай сўзлар достон лексикасига таъқиқи ўз қатлам сўзларининг асосини ташкил қилади: кирк —, киши каби.

<sup>1</sup> Ахматов Н.Р., Лексика "Шайбонийнома" Муҳаммада Солиҳа. Сравнительно-исторический словарь. (THESEYRUS) язма "Шайбонийнома" Автореф. канд.диссертации. — Т., 1991, 8—9.

Бу тахлит гуруҳлашда лексемаларнинг достон тили доирасидаги қўлланиш даражаси асосий мезон сифатида олинди.

Достон тилидаги ҳозирги ўзбек адабий тили ва шевалари учун умумий лексемалар шаклланиш даврига кўра ҳам гуруҳланди:

1. Умумтуркий сўзлар; **бўла** -, **қўй** -, **кўр** -, **соч** -, **суй** -, **қув** - кўн - ... каби.
2. Ўзбекча сўзлар; **овчи**, **тиниқ**, **тенгсиз**, **созчи**, **ошпаз**, **жиловдор** ... каби. Бундай сўзлар ўзбек тилининг муस्ताқил тараққиёти нати - жасида шаклланган.

Достон лексикасида қўлланган сўзларнинг бир гуруҳи ҳозирги ўзбек адабий тилидаги нисбатан фонетик жиҳатдан ҳамда семан - тик хусусиятларига кўра фарқланади. Бундай сўзлар фонетик ва се - мантик диалектизмлар сифатида изоҳланади.

Фонетик диалектизмлар адабий тилидаги дан товуш жиҳатида кўра фарқланган сўзлардир. Бундай сўзларни "шева сўзлари" сифа - тида баҳолаш номувофиқ!<sup>1</sup> **жўд** - **йўд**, **чанч** - **санч** -; **қариш** - **қариқ**.

Достон лексикасида фонетик ўзгаришни англаш қийин бўлган сўзлар ҳам учрайди: **жонаш** - **ёнаш** -; **ийр** - **эргаш**; **уд** - **ўил**; **жида** - **йигла** - **Ушбу** сўзлардаги фонетик ўзгаришлар тил та - раққиётининг муайян босқичига хосдир.

Семантик диалектизмлар. Баъзи сўзлар шеваларда адабий тил - дагидан фарқли маънода қўлланади. Достон лексикасидаги семантик диалектизмларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Шеваларда адабий тилидаги нисбатан кенг ёки тор маънода қўлланган сўзлар - **берк** - бутун, бут; **тард** - чал; **умриқ** узақ, **бавырғынан берк** восин (Ш.35); **гёрнайчиси** гёрнай гёртин (Ш.46).

2. Адабий тилидагидан фарқли тушунчани ифодаловчи сўзлар - **жоз** - **ёлвор**; **чал** - 1. багла; **У белдир** **худайга жазип жатыр** (Ш.100); **қымыч тилсй белй чдлсн** (Ш.40).

Семантик диалектизмларнинг маънодан англашилган маъноси адабий тилидагидан фарқ қилади:

| Сўз  | "Шайбонийхон" даги маъноси | Адабий тилидаги маъно изоҳи |
|--|----------------------------|-----------------------------|
| ТУЯК -; Мениң өзим өзбәкларди туйағы. <sup>2</sup> (Ш.10). | авлод, наса                | ҳайвон оёғининг қисми       |
| эс: Бу гәпләргә эс керәк (Ш.77).                           | маъни                      | ақл                         |
| оша: ашә жүртгә  | узоқ                       | ош+а: равишдош              |

<sup>1</sup> Шу ўринда "Ўзбек шевалари лексикаси" (1966), "Ўзбек халқ шевалари лугати" (1971), "Қипчоқ диалектларининг лексикаси" (1979) китобларида фонетик вариантларнинг шева сўзлари сифатида ўринсиз келтирилганлигини тасдиқ - лаймиз.

<sup>2</sup> Мисолларни беришда достон нашрига асосландик: **داستانى** (1928). Саҳифаларни Ш... тарзида кўрсатдик.

شەيبانى خان

|  |      |            |
|--|------|------------|
| атажаным елдимә (Ш.117).                     | эк - | бириктир - |
| күш -; Деқанәи қошқаны қохламда найә (Ш.73). |      |            |

Сўзларнинг достон лексикасида учраган бундай маънолари лексеманинг маъно кўламини белгилашда аҳамиятлидир.

2. Шеваларга хос сўзлар. Достон лексикасида қипчоқ қисман ўғуз диалектига хос сўзлар ифодаланган. Қипчоқ диалек - тига хос хусусиятлар бир қатор тадқиқот ишларида ёритилган<sup>1</sup>.

Шевалар лексик бойлигининг асосий қисми ўзбек умумхалқ тили бойлиги, адабий тилининг лексик бойлигига деярли мос кела - ди. Аммо шевалар лексикасининг маълум қисми адабий тилда муқобилига эга эмас. Достон лексикасида фақат шеваларда қўллана - диган сўзлар 250 тани ташкил этади. Масалан, **ўр** - **ўжар**; **жўйқонсиз** - **ҳимматсиз**; **жўнағар** - **тоғ чўққиси**; **қанку** - **ғийбат**; **қўжоч** - **ботир**; **чер** - **дара**. Бундай сўзлар бир қатор ўзбек шеваларида, асосан қипчоқ шеваларида қўлланади. Бу сўзлар ҳам қўлланиш доирасига кўра ўзаро фарқланади. Жумладан, **бўрк** сўзи айрим шевалардагина қўлланади. **Бўрк** - бош кийим. С.Малов бу сўзни мўғулча **воқш** - (покрывало) сўзидан олинган бош кийим атамаси сифатида келтирган<sup>2</sup>. Бошқа манбаларда ҳам "бош кийим" маъносида берилган<sup>3</sup>. Бошсиз **борк** болмас<sup>4</sup>. **Бўрк** сўзи Хоразм шеваларида қўлланади<sup>5</sup>. Достонда ҳам айни маънода қўлланган.

Достон лексикасида асосан қипчоқ шеваларига хос сўзлар акс этган. Бу ҳол қуйидагича изоҳланади:

1. Ўзбек халқ эпик асарларининг катта қисми қипчоқ қабилаларининг<sup>6</sup> вақиллари томонидан яратилган бўлиб, халқ эпик асарларининг тили барча соҳада қипчоқ диалектларининг тил хус - сиятларига тўла мос келади<sup>6</sup>.

2. "Шайбонийхон" Достони қипчоқ қабилалари орасида кенг тарқалган.

<sup>1</sup> Абадуллаев Ф. Ўзбек тилининг қипчоқ шеvasи. - Т., 1955; Шоабдурахмо - нов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. I китоб. - Т., 1957/1963; Данияров Х. Опыт изучения джекаюших диалектов в сравнении с узбекским литературным языком. - Т., 1975.

<sup>2</sup> Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.-Л., 1951, стр.373.

<sup>3</sup> Улмас обидлар. - Тошкент, "Фан", 1989, 301 - бет.

<sup>4</sup> Кошгарий Махму. Девону луготит турк. III томлик. II том. - Т., 1961, 326 - бет.

<sup>5</sup> Ўзбек шевалари лексикаси, 1966, 70 - бет.

<sup>6</sup> Қараш-Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси, 1979, 133 - бет.

3. Достон куйловчиси Пўлкан шоир (Муҳаммадқул Жомроа ўғли) қипчоқ шеваларига мансуб бўлган Нурога шеваси вакили — дир.

Қипчоқ диалектининг ўзбек халқ достонлари тилига муносабати лингвофольклористиканинг алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ишланган (А.Ишпаев, Х.Дониёров). Халқ достонларида кўп қўлланган сўзлар қайда этилган. Қипчоқ шеваларига онда бўлган шундай сўзлар борки, улар фақат "Шайбонийхон" лексикасида учрайди. Масалан, турқўлаёт — янги тушган келинни ота онасиникига сарпо билан юбориш; чарлар!; тинжира — тоб ташлаб, ялтираб, балқиб турмоқ (Ш.Луғат қисми, 168 — бет, N 434). Бундай сўзларни ажратишда: а) бу сўзларнинг адабий тилда ва шеваларда учрамаслиги; б) бошқа достонлар (қипчоқ шеваларида куйланган достонлар) лексикасида қўлланмаганлигига асосланилади.

3. Ҳозирда қўлланмайдиган сўзлар (ҳозирги ўзбек адабий тили ва шеваларда қўлланмайдиган сўзлар назарда тутилди). Достон лексикасидаги баъзи сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тилида ва шеваларда учрамайди. Бундай сўзлар маълум тарихий давр, муҳитга боғлиқлиги билан характерланади: човуви — чопар, эровид — қўшнинг илғор қисми; ненг — нарса.

Достон лексикасида қўлланган фразеологизмлар достон тили услубиятини таъминлашга хизмат қилган. Шу боис асарда қўлланган фразеологизмлар луғавий қатлам таснифига изоҳланди. Достон фразеологизмларининг асосий қисми қипчоқ шеваларига хосдир: кўни учун кун таша — хушомат қил—; миёя кўй — уйлаб-иш қил — ... каби.

"Шайбонийхон" лексикасидаги ўзлашган сўзлар миқдори 887 та. Бу сўзлар ўзлашиш манбаига кўра: 1. Форсча сўзлар. 2. Арабча сўзлар. 3. Мўғулча сўзларга ажратилди.

Форсча сўзлар 453 та. Форсча сўзларнинг достон лексикасида акс этиши қуйидагича изоҳланади:

1. Достон куйловчи ёки авторлош (Алаев А.Х., 1975), бади — ҳафўй ижодкор (Саидов М.С., 1971) Пўлкан шоир гарбий гуруҳ қипчоқ шеваларининг вакили ҳисобланиб, бу шеваларга Самарқанд — Бухоро шаҳар тип шевалари сезиларли таъсир кўрсатган; ушбу шевалар тожик тилининг кучли таъсирига учраганили билан характерланади.

2. Ўзбек адабий тилининг ва шеҳар шевалари лексикасининг қипчоқ шевалари лексикасига таъсири натижасида айрим форсча сўзлар қўллана бошлаган. Бундай сўзлар истеъмодаги

<sup>1</sup> داستانى پۇلگان — Т., 1928, луғат қисми, 168 — бет, N 432 (N 432 — сўзнинг луғатдаги тарқибини билдиради).

<sup>2</sup> Қўранг: Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. — Т., 1979, 11 — б.

туркий сўзларнинг қўлланиш доирасини қисқартирган. Баъзиларини истеъмодан сиқиб чиқарган. "Шайбонийхон" да истеъмодаги туркий сўзлар ўрнига қўллана бошлаган қуйидаги сўзлар учради:

гўш(т) (Ш.30) — эг; олтава (Ш.112, 113) — қўлгон; дастархан (Ш.30) — супра; дулман (Ш.6) — ёв; хува (Ш.9) — тангри; да — рах(т) (Ш.71) — оғоч; гуз (Ш.14) — чечак.

Достон тилидаги форсча сўзлар қўлланиш доирасига кўра қуйидагиларга ажратилди:

1. Ҳозирги ўзбек адабий тили ва шевалари учун умумий бўлган сўзлар: сарсан, камтал, дил, рўмал, ҳафта, йакка, базим, маҳма — дана. Бундай сўзлар шеваларга хос талаффузда ифодаланган.

2. Фақат шеваларда қўлланмайдиган сўзлар. Бу сўзлар "асл ўзбек сўзлари билан қўлланиб, уларга нисбатан айрим стилистик функ — цияларни бажариб келади": Пой — дойиш (кетма — кет), гуй (гап), марг (ўлим), буралар (ауст, тенгдош), хаш (қариқдош); калаваш (аўпи) ... каби сўзлар шеваларда, асосан қипчоқ шеваларида қўлланади.

3. Ҳозирда қўлланилмайдиган форсча сўзлар: дарданкаш — буй — сунмас; халавир — ҳозирча, ҳали; хушқўш — ўлим қўқми, сипойи — аскар сўзлари маълум тарихий давр билан боғлиқ бўлиб, ҳозирги адабий тилда ва шеваларда учрамайди.

Достон лексикасида айрим форсча сўзлар шевага хос маънода учрайди. Бундай сўзлар зинҳор, жуд, хала, парранда кабилардир. Масалан, зинҳор сўз ҳозирги адабий тилда "асло", "ҳеч ҳам", "сир" маъноларини ифодалайди. "Шайбонийхон" да юқоридагига зид маънода ишлатилган; достона "элабта", "аниқ" каби маъно — ларда қўлланилган; хит жабрин лурунг зинҳор вдишйим? (Ш.106).

Зинҳор тарихий ёзма манбаларда ҳам ҳозирги адабий тилда — тига зид маъноларда қайда этилган зинҳор — т.перс. осторож — но,объязательно.<sup>3</sup> Зинҳор сўзининг "эҳтиёт", "аниқ" маъноси ҳозирги адабий тилда ва шеваларда учрамайди. Бу ҳолат ёзакчи ижод — нинг тарихий лингвистик жиҳатларни сақлаш хусусиятига эга экан — лигидан аслолет беради.

Достонда қўлланиш арабча сўзлар 425 та. Бу сўзларнинг асосий қисми ҳозирги ўзбек адабий тили ва шевалари учун умумий бўлган сўзлардир: фалак, шоир, авлод, махрам, вазир. Бу сўзларнинг аксарияти шевалар талаффузига мос ҳолада ифодаланган: жапа — жафо, шираҳ — фироҳ, захнар — зафар, патаҳа — фотиҳа, қасым — хасм.

<sup>1</sup> Қўранг: Дониёров Х. Кўрсатилган асар. — Т., 1979, 83 — б.

<sup>2</sup> "Шайбонийхон" Достондан келтирилган мисолларни транскрипцияда бердик.

<sup>3</sup> Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века: том I. — Ташкент, 1966, стр.398.

Достонда фақат шеваларда қўлланилган сўзлар кам учрайди (10 тага яқин). Масалан, такйа — ёстиқ. Уғуз шеваларида учрайди. Бешкент, Қарши, Косон шеваларида такйа қўлланади. Достонда қаҳрамоннинг ҳаракат ҳолатини ифодалаган: тўқий қылыч озий барайатыр Шайвалы (Ш.23). Дажжол — 1. Гүё қиёмат яқинлашганда пайдо бўлиб, одамларни диндан оздирувчи, ўз масла — гига киритувчи махлуқ<sup>1</sup>. Достонда дажжолнинг кўринишига ўнша — тилган: дўм-дўм тағий. Достонда дажжолнинг кўринишига ўнша — (Ш.109).

Достон лексикасида қўлланган айрим арабча сўзлар ҳозирги ўзбек шеваларида ҳам кам қўлланади. Булар кулли — бутун, барча; тараҳҳим — раҳм — шафқат; харасат — қўрқув. Валламат — мард, мырғазат — зиндон назоратчиси ... каби сўзлар ҳозирда қўлланилмайди. Достон лексикасида қўлланган арабча сўзлар орасида ҳозирги адабий тилдигидан фарқли маънода қўлланилганлари учрайди. Масалан, қала — шаҳар. Аксарият достонларда "шаҳар" маъносига қўлланган: ана энди Ногайлан. Казан қаледан сап қонилмы жи — литлар келиш... (Ш.38). Қалъа адабий тилда "агрофи ўралган қароргоҳ" маъносини англатади. Ҳозирги ўзбек шеваларининг баъзиларида қала "шаҳар" маъносига қўлланади<sup>2</sup>.

Достон тилида қўлланган арабча сўзлар диний эътиқод ва диний тушунчалар билан боғлиқ сўзлар, антропонимлар, мавхум тушунча ифодаловчи сўзлардир.

"Шайбонийхон" да мўғул тили лексикасига оид тўртга сўз учра — ли: мерган, черик, инақ, ботир. Кўнгина сўзларнинг (навқар, чер...) мўғулча ёки туркийча эканлиги мунозарали бўлгани боис мазкур гуруҳга киритилмади.

Асарда хитой, рус тили лексикасига оид сўзлар ҳам учрайди.

Ўз қатлам сўзлари достон лексикасининг 62%ини ташкил этади. Достон сўзларининг 38% и ўзлашма сўزلардан иборат.

Диссертациянинг "Достон лексикасининг мавзуй таснифи" деб номланган иккинчи бобда сўзларнинг мавзуй гуруҳлари келтирилди.

Достон лексикаси ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига оид сўзларни ўз ичига олган. Достон лексикасини мавзуй тасниф асосида ўрганиш илмий — амалий қийматга эга. Сўзларни мавзуй гуруҳларга ажратиб ўрганиш усули лингвистика учунгина эмас, балки халқ тарихи, этнографияси учун ҳам қийматлидир. Мавзуй гуруҳларни ўрганиш орқали халқ ҳужжати, халқнинг ижтимоий — тарихий хусусиятлари: этнографияси, маданий — маънавий қараш — лари ҳақида аниқ тасаввур оlish мумкин<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. — М., 1961, I, 205 — б.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ шевалари лугати. — Т., 1971, 155 — б.

<sup>3</sup> Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик ятлавлари, 1985, 33 —

"Шайбонийхон" лексикасидаги сўзларни 34 мавзуй гуруҳга ажратдик. Ушбу сўзлар қўлланиш даражаси, тарихий шаклларида қўлланилиши ва этимологияси жиҳатидан характерлидир. Қуйида ана шу мавзуй гуруҳлардан айримлари борасида тўхталамиз:

1. Достон лексикасидаги 90 га яқин сўз онимлардир: антропо — нимлар; топонимлар; этнонимлар; астрономимлар.

Ўзбек ономастикасининг мазмун ва моҳияти тадқиқот ишларида акс этган. Антропонимияга доир Э.Бегматов (1965, 1966, 1970, 1972, 1991, 1994), Ю.Пўлатов (1967), Н. Хусанов (1996), Ф.Сагторов (1990), Х.Азमतов (ва бошқалар, 1968); топонимияга оид Т.Нафасов (1985, 1988), З.Дўсимов, Х.Эгамов (1977), Т.Эназаров (1995) ишларида номшуносликнинг долзарб масалалари ёритилган.

Ёзма ёдгорликлар тили ономастикаси, бадий асарлар тили — даги номшунослик масалалари ҳам атрофлича ўрганилган. (Ш.Ёқубов, 1994). Фольклор асарларидаги ономастика борасида ҳам тадқиқот ишлари мавжуа (Д.Абдурахмонов, Х. Бектемиров, С.Турсунов). Аммо бу борадаги ишлар ҳали етарли даражада эмас. Фольклор соҳасидаги номшунослик янада жиддий таҳлилга муҳтож.

1. Антропонимлар. Фольклор асарларидаги антропонимларга хос хусусиятлар бағатисил ўрганилмаган. Бу борадаги тадқиқот ишлари эндигина юзгага келмоқда. Фольклор асарлари антропо — нимлари лугати ҳали яратилмаган.

"Шайбонийхон" да 51 та антропоним учради. Бу антропонимлар ишда лексик — семантик хусусиятларига кўра гуруҳлаб берилди.

1. Достон антропонимлари қайси тилга мансуб сўздан иборат — лигига кўра қуйидагича ажратилди:

1. Туркий исмлар — 11 та: Шайвали, Жозсоқ, Жолғаш, Тўравой, Ёзи, Эрвой, Эрманбой, Кўнғурвой, Ўзбакхон.

Арабча сўزلардан ясалган туркий исмлар: Нурлиной, Сирлиной.

2. Арабча исмлар — 26 та: Одам, Ҳаво, Али, Бобур, Хогамтой, Қосимхон, Сафо, Комил, Ризо, Аҳрор (вали), Ханнон, Маннон, Ҳа — кимхон, Фарҳод, Зухра, Тоҳир, Файзулла, Аҳмад; худонинг саккизта сифати: Қодир, Карим, Раззоқ, Раҳим, Холиқ, Жаббор, Субҳон, Раҳбар.

3. Форсча исмлар — 8 та: Хўжайи, Жўравой, Хуршиной, Така — беги Замон, Бастам, Зебо, Ширин, Рустам.

4. Қадимий яҳудийча исмлар — 4 та: Иброҳим, Нуҳ, Мустафо. Исрофи.

5. Мўғулча — хитойча исм: Чинихон.

6. Русча — байналмилаал исм: Пўлкан.

II. Достон антропонимлари воқеликка муносабати ва ўзига хос хусусиятларига кўра қуйидагича гуруҳланди:

1. Тарихий шахслар исми.

2. Дин ва эътиқод билан боғлиқ қисмлар.

3. Ўзбек халқ дostonларида учрайдиган анъанавий исmlар.
4. Фақат "Шайбонийхон" дostonида қўлланган исmlар.

2. Топонимлар. Фольклор топонимияси соҳасидаги масалалар ёритилмаган. Баъзи асарларда фольклор топонимияси ҳақида фикр билдирилган бўлса — да, бу борадаги алоҳида тадқиқот юзига келган эмас. Фольклор асарларида, хусусан, дostonларда топонимлар баъзан шевалар қонуниятига кўра ўзгарган ҳолда қўлланади; баъзан энг қадимги тарихий шаклда учрайди; баъзан тарихда мавжуд бўлмаган хаёлий жой номлари ҳам бериледи. Шунга ўхшаш масалаларни акс эттириш ҳали тўлиқ шакланмаган ўзбек фольклор топонимияси — нинг асосий вазифасидир.

"Шайбонийхон" дostonида 39 та топоним қўлланган. Бу топонимлар маълум жиҳатларига кўра қуйидагича гуруҳланди<sup>1</sup>:

I. Дoston лексикасида кузатилаган топонимлар қайси тилга оидлигига кўра қуйидагиларга бўлинади.

1. Туркий лексика асосида юзага келган топонимлар:

Қатагон, Чолқар, Тўрғай, Қорамўйин, Қовинчи, Қашқар, Қозон, Келес, Самарқанд, Чўпон ота.

Туркий сўзларга "жой" тушунчасини англатувчи — истон (форсча) қўшимчасини қўпиш билан ҳосил қилинган топонимлар: Ўзбекистон, Қозғистон, Нўғайистон, Татаристон.

2. Форс тили лексикасига оид топонимлар: Эрон, Сарчашма, Сиёб, Чиноз, Заркат, Пискант, Лангар, Жиззақ.

3. Араб тили лексикасига оид топонимлар: Ҳакка, Сир.

4. Хитой тили лексикасига оид топонимлар: Чин — Мочин, Хи — той.

5. Рус тили лексикасига оид топонимлар: Москва, Оренбург, Нижни, Русия.

II. Дoston топонимларининг таркибий қисmlарга кўра гуруҳла — ниши қуйидагича:

1. Одатий лексика сатҳдан онамастик лексика сатҳига ўтган сўзлар асосида юзага келган топонимлар: Эрон, Сир, Қовинчи.

Бундай жой номлари асос ва қўшимчадан иборат эканлиги се — зилса — да (Эрон), бўлақларга ажратилмайди. Ковинчи ясама сўзи маъно тараққиёти натижасида одатий лексика сатҳидан ономастик лексика сатҳига ўтган.

2. Формантга топонимлар (яъни таркибда топоформант бўлган жой номлари):

— кент — Тошкент, Заркент, Пискент.

3. Топонимик аниқлагичли жой номлари:

<sup>1</sup> Топонимларни гуруҳлашда К.Назаров, Т.Эназаровлар таснифига асосла — нилади// Назаров К., Эназаров Т. Жой номларини йиғиш сўроқлиги. — Т., 1995, 21 — 24 б.

а) ороним топонимик аниқлагичли жой номлари: Ғўдаун тоғ, Заркат тоғ.

б) ойконим топонимик аниқлагичли жой номлари: Суя қала, Қозон қала, Нўғай қала.

в) агрооним топонимик аниқлагичли жой номлари: Эран боғи.

г) гидроним топонимик аниқлагичли жой номлари: Сувли Келес, Сиёб.

Дoston лексикасидаги топонимлар воқеликни ҳамда қаҳрамонларнинг ҳаракат доирасини тасвирлаш учун келтирилган.

3. Дoston лексикасида 10 та этноним қўлланган: ўзбек, қозоқ, татар, нўғай, рус, кўнун, қашқар, жуҳит, хунди, ҳаваш.

4. Астрономик: улкар(хулкар).

5. Ҳарбий атамалар. "Шайбонийхон" тилида жанг тасвири муҳим ўрин тутеди. Шу боис дoston лексикасининг маълум қисмининг Ҳарбий атамалар ташкил этади. Булар гулар, саваш, совут, салок, ғўл, найза, лашқар, тув — байлақ, қалқан, довиқ, кировка, каби сўзлардир. Маа — кур сўзлар муайян давр руҳиятига мос тушунчаларни ифодалайди. Масалан, салоқ — ёй ўқлари жойлаб белга боғланадиган ёки елкага осиб юриладиган халта, тирдон, ўқдон<sup>1</sup>, салоқ "тўп бўлиб туриш" маъносини ифодаловчи сада сифатидан ясалган отдир (—қ: от ясовчи қўшимча). Қиёсланг: сада — эманлар оиласига мансуб, сершоҳ, сер — соя дарахт; сада райхон — шоҳлари тўп бўлиб ўсадиган райхон? Маҳмуа Кошгарий "садоқ" маъносини ифодаловчи кўпш (кийиш) сў — зини келтиради ҳамда "ўғузлар ва ўғузларнинг биродари бўлган қичоқлар бу сўзни билмайдилар"<sup>2</sup>, дейди. Қўринадики, ўғуз — қичоқлар кийиш сўзи ўрнида садоқ сўзини ишлатган. Дostonда ҳам "ўқдон" маъносига қўлланган: алтын садоқ жомалардин ейинчи (Ш.8).

Дoston лексикасидаги Ҳарбий атамаларнинг аксарияти ҳозирда қўлланмайди.

6. Маиниий турмуш тарзи билан боғлиқ сўзлар (халқ турмуш тарзи, ўйинлари ҳақида маълумот берувчи сўзлар). "Шайбонийхон"да ошиқ ўйини ва унинг беш вазиятига оид шундай жумла учрайди:

Шайбалихон Бовирхонга юборган номасида шундай дейди: аны шўла пўскў давилы ўшайимин деди. Сен ашықты тийлдийсн деди. шўла давилы ўшайимин деди. йлчисийам сеники. чекксийим сеники. ўммисч меники" (Ш.74). Дostonда келтирилган ошиқ ўйинининг беш вазияти тарихий маълумот сифатида қийматлидир.

7. Дoston лексикасининг тематик таснифидеги энг катта гуруҳ касб — хунар лексикаси ҳисобланади. Дostonда касб — хунар сўзлари қуйидаги гуруҳлар асосида изоҳланди:

1. Чорвачиликка оид сўзлар:

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — М., 1981, II том, 10 — б.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — М., 1981, II том, 9 — б.

<sup>3</sup> Кошгарий Маҳмуа. Девону лувотит турк. III том, Тошкент, 1963, 140 — б.

- а) йилқиччиликка оид сўзлар;  
 б) қўйчиликка оид сўзлар;  
 в) туячиликка оид сўзлар.

2. Овчилик фаолияти билан боғлиқ сўзлар.  
 3. Бахшилик фаолияти билан боғлиқ сўзлар.  
 4. Касб — ҳунарни ифодаловчи бошқа сўзлар.

Достон лексикасидаги касб — ҳунарсўзларнинг асосини чорвачиликка оид лексемалар ташкил этади. Достонда чорвачиликка оид 41 та сўз қайд этилди (бу кўрсаткич бошқа достонларга нисбатан кам: жумладан, "Алпомиш" да чорвачиликка доир 477 та сўз қўлланган<sup>1</sup>). Достон лексикасида қўлланган чорвачиликка доир сўзларнинг маълум қисми йилқиччиликка оиддир. Достонда йилқиччиликка оид 20 та сўз қўлланган. Асарда жанг тасвирларидан иборат ўринлар кўп бўлиб, бевосита отлар ва уларнинг сифати ҳақида сўз борган. Отларнинг сифатини билдирувчи ҳамда чорвачиликка оид бошқа сўзлар тасвирлашдан ташқари баъдий маънодорлик учун ҳам хизмат қилган. Масалан, жўйрик — энг учқур от; човон — ўрта тезликда югурайдиган от. Жўйрик отнинг зовон отдан афзаллиги достонда халқ орзаки ижодига хос баъдий тасвир орқали акс эттирилган. Қазрамон ўзининг тушқун ҳолатини, улуғлиқдан "қуйи"га тушиб қолганлигини "жўйрик отнинг зовон бўлиб қолиши"га ўхшатади: Бугдай едим — сўймён болдым. жўйрик едим — чўвён болдым (Ш.28); Ултон — пиштилиган тери. Манбаларда ultunluq, uldan<sup>2</sup> (подметка, подошва башмак), олган<sup>3</sup> (I. Сырцовая кожа) тарзида берилган. Э.В.Севортьян ултон сўзининг беш хил маъносини келтирган. Маэкур сўзнинг "Шайбонийхон"даги маъноси Э.В.Севортьян лутатида берилган би — ринчи маънога (изоҳга) тўғри келади (I. Хом ашэ сифатидаги тери): Хам терини сўвгй салсан — ўлтён белёр. кимди хўдйй халхаса — сўлтён белёр (Ш.74). Келтирилган мисолдаги мисралар юзаки қараганда ўзаро боғланмагандек кўринса — да, уларни умумлаштириб турувчи жиҳат мавжуд. Яъники, "хом тери сувга солинса, улган (пишитилган тери — терининг сифатли кўриниши) бўлади; ҳар ким (агар) худо хохлаسا — султон (олий мартабага эришган киши) бўлади. Бу ўринда ултон ва султон сўзлари фақат қофия талаби билангина эмас, "меҳнат" ҳамда "хоҳиш, тақдир" тушунчалари асосида уму — мийликка эга бўлган.

Махмуа Кошварий девонида ултон сўзининг бир маъноси қайд этилган: الذئب улдон — почта: итқа увут атса улдан јэмас —

<sup>1</sup> Қаранг: Турсунов С. Лексические особенности дастана "Алпамыш". Кандакиссертация. — Т., 1990.

<sup>2</sup> Арвентюрский словарь, — А., 1969, стр.609.

<sup>3</sup> Севортьян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. — М., 1974, стр. 449 — 450.

итнинг орияти келса, почта ташласанг ҳам емайди<sup>1</sup>. Ултон сўзининг ушбу маъноси "Шайбонийхон"да учрамайди.

Касб — ҳунарсўзлари муайян соҳа номлари ва шу соҳаларга оид атамалардан иборат бўлгани сабабли "мавзуйий тасниф" бобида изоҳланади.

Достон лексикасидаги тематик гуруҳлардан харбий атамалар, мансаб — мартаба билдирувчи сўзлар, касб — ҳунарсўзлари лексикаси ка — билар бошқа гуруҳларга нисбатан кўп миқдордаги сўзни ўз ичига олади.

Диссертациянинг учинчи боби "Достон лексикасининг шакл ва маъно муносабатига кўра таснифи" деб номланди. Бу бобда Достон лексикаси шакл ва маъно муносабатига кўра қуйидагича гуруҳланди:  
 1. Полисемантик сўзлар. 2. Синоним сўзлар. 3. Антоним сўзлар. 4. Омоним сўзлар.

Полисемантик хусусият қуйидаги сўзларда акс этган:

Бошқ ўттизга яқин ўринда қўлланиб, ўн икки ўринда "тананинг қисми"ни ифодалаган: зынқойишыл теллактиш кийган башыға (Ш.50). Қолган ўринларда кўчма маънода келган: савданч салманнар йараннар башқа (Ш.50).

Достоннинг кўп ўринларида қўлланган қатга, яхши, бежай каби сўзлар полисемантик сўз ҳисобланади.

Достон тилида олтишга яқин синонимик қаторни ташкил қи — лувчи сўзлар учради. Булар ўзаро яқин тушунчани ифодалайдиган туркий, арабий, форсий сўзлардан иборат. Бу синонимлар қўлла — ниши ва синоним сифатида ишлатилиш доираси жиҳатидан ўзаро фарқланади.

Шунга кўра Достон лексикасидаги синонимлар қуйидагиларга ажратилади:

1. Адабий тил ва шевалар доирасидаги синонимлар.

2. Достон лексикаси доирасидаги синонимлар.

Адабий тил ва шевалар доирасидаги синонимлар адабий тил — сўзлари орасидаги, адабий тил сўзлари ва шева сўзлари ўртасидаги муносабатда намоён бўлади. Масалан: кет / жўна; эт / гўш(т); мақсат / мират/ мидаҳа; пияда/ жаяв; калла / бош / тос — тева.

Достон лексикасидаги айрим сўзлар Достон лексикаси доира — сидагина синоним ҳисобланади. Бундай сўзларни ажратишда қуйидагиларга асосланилди: 1. Сўзларнинг адабий тилда учрамай — диган маъноларда маълум сўзлар билан ўзаро синонимик қатор ҳо — сил қилиши. 2. Синонимик қатордаги айрим сўзларнинг ҳозирги ўзбек адабий тили ва шеваларда айни маънода қўлланилмаслиги. Ми — салан, туйағ / авлад; еп / мақыз; шайыр / бахшы; тарап / Аулман / жав / ғаш / қасым; талх / аччи; лат / оч; жилавдар / шатыр.

<sup>1</sup> Кошварий Махмуа. Девону луготит турк. I том. — Т., 1960, 138 — бет.

"Шайбонийхон"да учраган антонимлар ҳам иккига ажратиб изоҳланади:

1. Адабий тилда қўлланадиган антоним сўзлар: оқ — қора; ях — ши — ёмон.
2. "Шайбонийхон" лексикаси доирасидаги антоним сўзлар: нек — бад; сағ — сол. Бундай антонимлар кам миқдорда учради.

"Шайбонийхон" дostonидаги омонимлар маълум хусусиятга —

рига кўра қуйидагиларга ажратилди:

1. Адабий тилда учрайдиган омоним сўзлар.
2. Айрим фонетик ўзгаришлар ва шевага хос сўзларнинг қўлланиши натижасида юзага келган омоним сўзлар.

Адабий тилда қўлланадиган сўзлар шеваларда учрайдиган айна шақлдаги сўз билан омоним ҳисобланади. Масалан, туз I кимёвий мода; туз II дала. Бу сўзлар ўзбек тили тарихида омоним сифатида эмас, ёзилиши ҳар хил бўлган икки мустақил лексема сифатида қаралган. Эски туркий тилда қаттиқ ва юмшоқ унмилар фарқланган<sup>1</sup>. Бу фарқ йўқолгани бойс, мазкур сўзлар ҳозирги тилда бир хилликка келиб қолган ва ўзаро омоним ҳисобланади: семиз маалым тўзлар селпил қолган малаан сойиш кеннар (Ш.39), барайатир Шайвалм дайим қула тузилга (Ш.23).

"Шайбонийхон"да фақат Достон тилида омоним ҳисобланадиган сўзлар ҳам учрайди. Бундай сўзлардаги омонимликни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- I. Шеваларга (қипчоқ шевалари)га хос фонетик хусусиятлар — нинг акс этиши натижасида сўзлар омонимий ҳолатга келиб қолган.
- II. Ҳозирги тилда истеъмо қилинмайдиган сўзларнинг, баъзан шева сўзларининг қўлланиши натижасида омонимлар юзага келган.
- III. Шеваларга хос омонимлар ҳам учрайди.

Тил I. Овқат чайнаш органи.

Тил II. — Тупш (физиологик жараён) сўзининг фонетик ўзгаришга учраб, тили шаклига келиши натижасида бу сўзлар омоним ҳисобланади:

Шайвалм қорқти айвудп тишидан (Ш.18).

аны енди тишида бир ағала сақалм ағам Шайвалмга қарап ... (Ш.23).

Достон тилидаги фразеологизмларда ҳам полисемия, синонимия, антонимия, омонимия ҳодисалари учрайди.

Умумий ҳулосалар. Талқиқот натижалари қуйидаги бандларда ҳулосаланган.

1. "Шайбонийхон" мазмунига кўра XVI асрада шакланган тарихий Достон. Достон лексикаси ўзбек тили тараққиётининг XVI асрдан XX асрнинг 30 — йилларигача бўлган тарихий босқичига хос

<sup>1</sup> Қаранг: Незьматов Х. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. Т., 1992, 19 — бет.

хусусиятларни қисман акс эттирган. Асар XVI асрада қўлланган ҳарбий атамалар (совут, киравка)нинг ҳамда XX аср бошларида истеъмога кирган сўзлар (билаг)нинг учраши шундан далолатдир. Достоннинг ягона матни мавжуд эканлиги унинг қийматини ошира —

ди. 2. Достон лексикасини статистик жиҳатдан ўрганиш натижасида унда 2638 сўз қўлланганлиги аниқланди. Достон тилида ўз қатлам сўзлари ўзлашган қатлам сўзларига нисбатан кўп миқдорни ташкил этади.

"Шайбонийхон" дostonидаги ўз қатлам лексикасининг 85%и ҳо — зирги ўзбек адабий тили ва шеваларда қўлланади. Қолган 15%и ҳарбий соҳага оид сўзлар, мансаб — мартаба сўзлари, айрим этноним ва топонимлар бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида ва шеваларда ишлатилмайди.

"Достондаги ўз қатлам сўзлари қўлланиш доирасига, қўлланиш даражасига ҳамда шаклланиш даврига кўра фарқланади.

3. Шеваларда қўлланадиган сўзлар Достон лексикасининг 85%дан 37%ини ташкил этади. Достон лексикасида асосан қипчоқ шева — ларига хос сўзлар ифодаланган. Қипчоқ шеваларига хос айрим сўзлар борки, фақат "Шайбонийхон" лексикасида қўлланган, қипчоқ шеваларида қуйланган бошқа достонларда учрамайди: энгиз — хуноб, айқала — ардоқла —

4. "Шайбонийхон" дostonи лексикаси ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига оид бўлган сўзларни ўз ичига олган. Бу сўзлар 34 мавзуйи гуруҳга ажратилди. Булар антропонимлар; топонимлар; эт — нонимлар; ҳарбий соҳага оид сўзлар; вақтни билдирувчи сўзлар; мавҳум тушунчаларни ифодаловчи сўзлар; металл ва қимматбаҳо тош номлари... кабилардир.

Достон лексикаси шакл ва маъно муносабатига кўра маълум гуруҳларга мансуб сўзлардан иборат. Достон лексикасида адабий тилда учрамайдиган полисемантик, синонимик, антонимик, омонимик ҳодисалар кузатилади. Мазкур ҳодисалар таҳлили сўзининг маъно қўлами чегарасини белгилашда ёрдам беради.

"Шайбонийхон" дostonи шевада ифодаланган, муайян тарихий давр сўзлари акс этган, ўзбек адабий тили тараққиёт босқичларидаги айрим хусусиятлар ўз ифодасини тошган орзаки бадиий асардир.

Диссертациянинг асосий мазмуни қуйидаги ишларда ёритилган:

1. "Шайбонийхон" халқ Достони лексикасидан кузатишлар // Республика ёш тилшуносларининг анъанавий илмий конференцияси тезислари тўплами. — Тошкент; 1995, 104 — 105 — бетлар.
2. Талабаларга ўзбек халқ орзаки ижоди асарлари тилига

оид хусусиятларни тушунириш // Миллий тараққиёт: тил ва таълим. Регионал конференциянинг маъруза ва ахборот тезислари. — Тошкент, 1995, 106 — бет.

3. "Шайбонийхон" Достони лексикасига оид кузатишлар // Ёш олимлар ва талабалар II Республика илмий конференцияси тезислари тўплами. — Тошкент, 1996, 98 — бет.
4. "Шайбонийхон" Достони тилида профессионализмлар// Манбашунослик: матн ва унинг талқини (Илмий мақолалар тўплами). — Тошкент, 1997, 70 — 74 — бетлар.
5. "Шайбонийхон" Достони лексикасини ўрганишга доир // Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети Ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 1997, 198 — 201 — бетлар.
6. "Шайбонийхон" Достони лексикасининг тематик тасни — фиға доир// Ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг республика илмий — амалий конференцияси иштирокчиларининг илмий ишлари тўплами. — Тошкент, 1997, 164 — 165 — бетлар.
7. "Ошиқ ўйини" ҳақида// Турли системали тиллардан дарс ўқишда замонавий назария ва амалиётнинг актуал муаммолари. — Тошкент, 1997, 25 — 26 — бетлар.
8. Филология факультетларида "Шайбонийхон" Достонининг тил хусусиятларини ўрганиш // Актуальные вопросы в области гуманитарных, социально — экономических и технических наук (Межвузовский сборник научных трудов, выпуск 4). — Ташкент, 1997, 113 — 114 — бетлар.
9. "Шайбонийхон" Достонининг тил хусусиятларини ўрга — ниш// Олий ўқув юрталари қошидаги лицей, лицей — интернатларда ўқув ва маънавий — маърифий ишларни такомиллаштириш мавзу — сидаги Республика илмий — услубий анжумани мақолалар тўпла — ми. — Самарқанд, 1997, 160 — 162 — бетлар.
10. "Шайбонийхон" Достони лексикасидаги ҳарбий атамолар. Ўзбек тили ва адабиёти" журналы, 1998, 4 — сон, 64 — 66 — бетлар.
11. "Шайбонийхон" Достонининг айрим тил хусусиятлари. "ТошДУ хабарлари" журналы. 1998, 2 — сон, 45 — 51 — бетлар.

## РЕЗЮМЕ

Диссертационной работы Хомяновой Зулумор Турдиевны на тему "Лексика дастана "Шейбанихан" (по варианту поэта Гулкана)", представленной на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.02 - национальные языки (узбекский язык).

Диссертация состоит из предисловия, введения, трёх глав, заключения, списка использованной литературы. Общий объём диссертации 170 страниц.

В диссертации описаны лексические особенности дастана "Шейбанихан", единственный вариант которой записан у дарового поэта Гулкана. Лексика дастана исследована по тематическим и семантическим особенностям. В дастане встречаются слова и словоформы, принадлежащие к определённой исторической эпохе (XVI-XX вв.), сейчас уже не употребляющиеся. "Шейбанихан" в основном отражает лексику кашгарского диалекта узбекского языка. В работе рассмотрены слова, общерегиональному и некоторым другим диалектам, а затем - слова, свойственные только киргизскому языку. Делётся сравнительный анализ разнотипных речевых явлений, встречающихся в "Шейбанихан".

Поэма "Шейбанихан" являлась одной из самых популярных исторических произведений среди племен кыпчаков. Данная поэма была записана в 1926 году исследователем фольклора Хадди Зарифом и в 1928 году была напечатана на арабском алфавите. Изданная поэма имеет 138 страниц: из них 4259 строк - стихотворные; 624 строк написаны прозой. В конце текста даны объяснения 450 словам. Рассмотрены поэмы Хадди Зарифа инвентарным номером 5 в фольклорном фонде института Языков и литературы УзФА. Рукопись состоит из 153 страниц. Исследованные провозданы на основе сопоставления текстов издания в рукописи. Примеры приводились по изданию.

Во введении делётся краткая характеристика работ, выполненных о языке народных дастанов. Изложены мысли из введения поэмы "Шейбанихан", дана информация о поэме.

В первой главе диссертации, озаглавленной "Анализ лексических элементов поэмы" рассмотрены семантические группы киргизских, арабских, монгольских слов.

Вторая глава - "Анализ тематических групп лексикон поэмы" посвящена анализу 34 тематических групп слов.

В третьей главе, озаглавленной "Анализ семантических групп лексикон поэмы" дан анализ полисемантическим, синонимическим, стилистическим, антонимическим отношениям слов.

Каждая глава диссертации завершается выводами, а основные результаты представлены в заключении.

По теме диссертации опубликованы шесть статей и пять тезисов.

Результаты исследования были доложены на конференциях молодых филологов республики (Ташкент, 1995-1997), на научно-практических конференциях (Самарканд, 1997) и на научных семинарах, проводимых факультетом узбекской филологии ТашГУ и СамГУ.

## SUMMARY

to the dissertation work entitled «The Vocabulary of the poem «Shaibonihom» written by HALMONOVA ZULHUMOR TURDIEVNA. The work is submitted for getting scientific degree of the can dilate of philology in specialty «National languages» 10. 02. 02. (the Uzbek language).

The dissertation consist of the preliminary part, chapters, conclusion and the list of abbreviations and literature. The dissertation consists of 170 pages.

The lexical layers of the poem «Shaibonihom» are analyzed here. These lexical layers are investigated according to the thematic and semantic peculiarities. In the poem we come across the words - forms belonging to certain historical epochs (16-20 cent.) which are not used now. The poem belongs to the oral folklore and mainly the words of Kipchak dialects are used in it. The comparative analysis of different language phenomenon are given in the poem.

The poem «Shaibonihom» is one of the most popular historical publication among Kipchak tribes. In 1926 it was written by the folklore investigator Hadi Zarifov, who heard it from poet Pulkan and in 1928 it was published in the Arab language. The published poem consists of 159 pages, out of them 4259 lines are written in poetry, 624 lines are written in prose. At the end of text the analysis of 450 words are given.

The manuscript of the poem is kept in the folklore fund of the institute of literature of the Academy of Sciences of Uzbekistan.

The manuscript consists of 153 pages. The investigation was done on the bases of comparison of the texts and the manuscript.

The introduction gives the short characteristics of the works fulfilled with the help of historical disology. The notions concerning the study of the poem «Shaibonihom» the information on the history of the manuscript and its publications are given here.

The first chapter entitled «The analysis of the lexical layers of the poem» deals with the thematic groups of Turkic, Arabic, Mongol words.

The second chapter entitled «The analysis of the thematic vocabulary of the poem» is devoted to the analyses of 34 thematic groups of words.

The third chapter entitled «The analyses of the semantic vocabulary of the poem» is devoted to the analyses of polysemantic, synonymus, homonymic, antonymus relations between words. Each chapter ends with summary, and its main results are given in the conclusion.

Six articles and five thesis based on the dissertations have been published.

The results of the investigation were discussed at the conference of young philology (Tashkent, 1995-1997) at the scientific practical conference (Samarkand, 1997) and at the conferences held by the faculty of Uzbek philology of the Tashkent State University named after Mirzo Ulugbek.

Босилга рухсат этилди 14.12.98. Хажми 1 б.т.  
Адади 60 нусха. Бюртма 649.  
ТошДУ босмахонасида chop этилди.